

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ТАДЖИХАНОВА ДОНО ПУЛАТОВНА

**БОЛАЛАРДА ГЕРПЕСВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН
АССОЦИАЦИЯЛАНГАН МИКОПЛАЗМА ЗОТИЛЖАМИНИ
ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Таджиханова Доно Пулатовна

Болаларда герпесвирус инфекцияси билан ассоциацияланган
микоплазма зотилжамини даволашни оптималлаштириш 3

Таджиханова Доно Пулатовна

Оптимизация лечения микоплазменной пневмонии, ассоциированной
с герпесвирусной инфекцией у детей..... 21

Tajikhanova Dono Pulatovna

Optimization of treatment of mycoplasma pneumonia associated with her-
pesvirus infection in children..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.29.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ТАДЖИХАНОВА ДОНО ПУЛАТОВНА

**БОЛАЛАРДА ГЕРПЕСВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН
АССОЦИАЦИЯЛАНГАН МИКОПЛАЗМА ЗОТИЛЖАМИНИ
ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Tib56 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) тилда Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «Ziyonet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шамсиев Фурқат Мухитдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шамсиев Фазлитдин Сайфутдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Камалов Зайнитдин Сайфутдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 й «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент ш, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223.Тел./факс: (+99871) 262-33-14, e-mail: mail @tashpmi. uz).

Диссертацияси билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223.Тел./факс: (+99871) 262-33-14).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А. В. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси тиббиёт фанлари доктори, профессор

Э. А. Шамансурова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д. И. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бронх-ўпка касалликлари замонавий педиатриянинг ечими топилмаган муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Охирги 10 йилликда ушбу касалликлар ичида зотилжам етакчи ўринларни эгаллаб турибди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра зотилжам дунёда болалар ўлимига энг кўп сабаб бўлувчи омиллардан бири ҳисобланади, хусусан, беш ёшгача бўлган болалар ўлимида ушбу касаллик 17,5%ни ташкил этиб, ҳар йили мазкур ёш гуруҳидаги 1,1 миллион бола шу касаллик туфайли ҳаётдан кўз юмади¹. Сўнгги йилларда касалхонадан ташқарида келиб чиқувчи энг кўп тарқалган микоплазмали зотилжамнинг аралаш шакллари ортиши кузатилмоқда. Жаҳон миқёсида, болалар касалликлари, жумладан герпес-вирус инфекцияси билан ассоциацияланган микоплазма зотилжамининг клиник жиҳатдан оғир кечиши, айниқса кичик ёшдаги болалар орасида учраши, беморлар ҳаёт сифатини пасайиши муҳим тиббий ва ижтимоий муаммоларидан бирига айланди. Касалликни ташхислаш ва даволаш бўйича самарадорлигини яхшилайдиган анъанавий ёндашувларни қайта кўриб чиқиш эҳтиёжи ортиб бормоқда.

Бугунги кунда кичик ёшли болалардаги шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамда цитомегаловирус ва оддий герпесвируси I тури билан ассоциацияланган микоплазма зотилжамини юзага келиши хусусиятларини аниқлаш; *Mycoplasma pneumoniae*нинг учраш даражаси; клиник ва лаборатор хусусиятларини аниқлаш; герпесвирус инфекцияси билан ассоциацияланган микоплазма зотилжамида азот оксиди, прооксидант ва антиоксидант тизим кўрсаткичлари ўзгаришини аниқлаш; касалликда иммунитетнинг цитокинлар ва интерферонлар ҳолати ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш ва даволаш чора-тадбирларининг замонавий усуллари ишлаб чиқиш илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Республикамизда болалар орасида соматик касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоклар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш» вазифалари белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, соғлом муҳит яратиш, айниқса, кичик ёшдаги болалар орасида зотилжамни келтириб чиқарадиган кўзгатувчи вируслар, бактериялар ёки бошқа этиологиялар натижасида келиб чиқадиган аралаш инфекцияларнинг олдини

¹ЖССТ маълумот бюллетени. 2016 й, ноябрь. mediainquiries@who.int

олиш, герпесвирус инфекцияси билан ассоциацияланган микоплазма зотилжами касалликларини даволашни оптималлашган усулларини ишлаб чиқиш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 ноябрдаги ПҚ–2650-сон Қарори билан тасдиқланган «2016–2020 йилларда Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот иши республикамизда фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунга қадар айрим патологик ҳолатларда аралаш микоплазма-вирусли инфекцияларни экспериментал ва клиник натижалари келтирилган тадқиқотлар кўпчиликини ташкил қилмайди (Ханин А. Л., Чернушенко Т. И., 2011; Youn Y. S., Lee K. Y., 2012). Герпесвирусли инфекция туфайли келиб чиқувчи энг кўп тарқалган микоплазмали зотилжам, унинг аралаш шакллари аниқлаш, шубҳасиз, долзарб бўлиб қолмоқда (Рябчук Ф. И., Пирогова З. И., 2011).

Вирусларнинг узоқ давом этувчи персистенцияси вируслар фаоллигини оширувчи ва касалликни қайталантирувчи иккиламчи иммун танқислигига олиб келади. Яллиғланишга қарши цитокинлар секрецияси ва рецепцияси, маҳсулотларнинг бузилиши антиинфекция ҳимоясининг чуқур нуқсонларига ва ҳатто “иммунологик фалажлик”ни ҳам ривожлантиришга олиб келади ҳамда микроорганизмларнинг тўғридан-тўғри яллиғланиш таъсирини ва уларнинг ўпка тўқималарига токсин таъсирини чуқурлаштиради (Ключников С.О. ва бошқалар., 2010; Камалов З.С., Раҳманкулова З.Ж., 2010; Тузанкина И.А., Истомина Е. Л., 2016).

Бундай фаоллашув таъсирида вирусга қарши ҳимоя иммункомпетент ҳужайралари ва ҳужайрасиз механизмларига кислород радикаллари ва азот оксиди (NO) кўшилади (Елисеева Т. И. ва бошқалар, 2012). Индуцибел NO таъсирчанлик – синтезлар микроциркуляциянинг чуқур бузилишига, яллиғланиш сақланишига ва касалликни сурункали давом этишига имкон туғдиради (Coto-Segura P., 2011; Новиков В. Е. ва бошқалар, 2016).

Кўп йиллик кузатувларимиз шуни кўрсатдики, микоплазмали зотилжам, айниқса аралаш шаклини даволашнинг илмий асосланган ва патогенетик усулларини ишлаб чиқиш талаб этилади. Касаллик оқибатида келиб чиққан

иммунсупрессия вирус-бактериал инфекцияларнинг оғир ва атипик давомийлигига ва уларнинг генерализациясига олиб келиши мумкин. Даволашнинг комплекс антибактериал ва вирусга қарши дори воситаларини иммунмодуляторлар билан қўшиб қўллаш, самаралироқ бўлган янги усуллари ишлаб чиқиш учун муҳим аҳамият касб этади. Айнан шунинг учун тақдим этилган диссертация иши долзарб ҳисобланади ҳамда тадқиқот янги илмий натижаларга эришишга мўлжалланган, унинг жорий этилиши эса клиник вазифалар ечимига, энг аввало, герпесвирусли инфекция билан ассоциацияланган микоплазмали зотилжам давоси ва ташхисини такомиллаштиришга ёрдам беради. Ушбу муаммолар билан боғлиқ бўлган барча саволлар мавзуни батафсил ўрганишга хизмат қилади ва ушбу тадқиқотни ўтказиш заруратини кўрсатади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ИТСС-2,3 142-сонли «TORCH–инфекциялари билан ассоциацияланган нафас олиш органлари касалликлари билан узоқ вақт оғриган болаларда клиник-иммунологик ва гемостатик паралеллар, уларнинг ташхиси, давоси ва профилактикаси» (2009-2011 йй.) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади болаларда герпесвирус инфекцияси билан ассоциацияланган микоплазма зотилжамлари хусусиятларини аниқлаш орқали даволашни оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кичик ёшли болаларда герпесвирус инфекцияси билан ассоциацияланган микоплазма зотилжамининг учраш даражаси ва клиник кечиш хусусиятларини аниқлаш;

шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамли кичик ёшдаги болаларда герпесвирус инфекцияси билан ассоциацияланган *Mycoplasma pneumoniae* аниқлаш;

кичик ёшли болаларда герпесвирус инфекцияси билан ассоциацияланган микоплазма зотилжамларида азот оксиди, липидлар перекисли оксидланиши ва антиоксидант тизими кўрсаткичлари аҳамиятини баҳолаш;

кичик ёшли болаларда герпесвирус инфекцияси билан ассоциацияланган микоплазма зотилжамларида иммунитет кўрсаткичлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

кичик ёшли болаларда герпесвирус инфекцияси билан ассоциацияланган микоплазма зотилжамлари ташхиси ва давосини оптимал схемасини ишлаб чиқиш;

кичик ёшли болаларда герпесвирус инфекцияси билан ассоциацияланган микоплазма зотилжамлари дифференциал даволаш самарадорлигини узоқ муддатли кузатувлар асосида баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 205 нафар герпесвирус инфекцияси билан ассоциацияланган микоплазма зотилжамли бемор, 40 нафар герпесвирус инфекциясиз микоплазма зотилжамли бемор ва 24 нафар соғлом болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида болалар вена қони ва зардоби биокимёвий ва иммунологик таҳлиллар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Умумклиник, биокимёвий, серологик, иммунологик ва статистик усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор кичик ёшли болаларда шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамида цитомегаловирус ва оддий герпесвирусининг I тури билан ассоциацияланган *Mycoplasma pneumoniae*нинг ўзига хос клиник белгилари ва лаборатор хусусиятлари аниқланган;

болаларда герпесвирус инфекцияси билан ассоциацияланган микоплазма зотилжамида азот оксиди, прооксидант ва антиоксидант тизим кўрсаткичлари аниқланган;

болаларда герпесвирус инфекцияси билан ассоциацияланган микоплазма зотилжамида цитокинлар, интерферонлар ҳолати ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги аниқланган;

илк бор болаларда герпесвирус инфекцияси билан ассоциацияланган микоплазма зотилжамида патогенетик асосланган оптимал даволаш усуллари ишлаб чиқилган ва уларнинг самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

болаларда герпесвирус инфекцияси билан ассоциацияланган микоплазма зотилжамида вирусга қарши ва иммункоррегрловчи даволашни танлаш учун асосланган ахборотли ташхис мезонлари таклиф қилинган;

болаларда герпесвирус инфекцияси билан ассоциацияланган микоплазма зотилжамини оптимал даволаш усуллари ишлаб чиқилган ва таклиф этилган;

кичик ёшли болаларда герпесвирус инфекцияси билан ассоциацияланган микоплазма зотилжамини ташхислаш ва даволашда узоқ муддатли ремиссияни таъминловчи, касаллик асоратларини камайтирувчи ёндашув тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, герпесвирус инфекцияси билан ассоциацияланган микоплазма зотилжами бўлган беморларда касалликнинг патогенетик механизмларини аниқлаш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб боришга замин яратади. Беморлар организмида азот оксиди, прооксидант ва антиоксидант тизим ҳолати, иммунитетнинг цитокинлар ва интерферонлар ҳолати ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги ушбу касаллик патогенезининг янги жиҳатларини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, герпесвирус инфекцияси билан ассоциацияланган микоплазма зотилжами бўлган беморлар учун ишлаб чиқилган ва тавсия этилган даволашнинг оптимал усуллари, касалликни клиник ҳолатини яхшилаши, биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларни меъёрлашуви, узоқ муддатли ремиссияси, касаллик асоратларини ва иқтисодий харажатларни камайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда герпесвирус инфекцияси билан ассоциацияланган микоплазма зотилжамини даволашни оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Герпесвирус инфекцияси билан ассоциацияланган микоплазма зотилжами бўлган болаларни даволашда замонавий ёндашувлар» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2011 йил 22 ноябрдаги 8м/179-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома беморнинг клиник ҳолатини, биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларни яхшилашга, узоқ муддатли ремиссияга эришишга ва касаллик асоратларини камайтиришга хизмат қилади;

«Болаларда герпесвирус инфекцияси билан ассоциацияланган микоплазма зотилжамини даволашни оптималлаштириш усуллари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 16 ноябрдаги 8п-р/180-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома болаларда герпесвирус инфекцияси билан ассоциацияланган микоплазма зотилжамини даволаш самарадорлигини оширишга ва касалликнинг қайталаниш даражасини камайтиришга имкон беради;

кичик ёшли болаларда герпесвирус инфекцияси билан ассоциацияланган микоплазма зотилжамининг вирусга қарши, антиоксидант ва иммункоррегирловчи даволаш бўйича тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Жиззах, Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 28 мартдаги 8н-з/38-сонли хулосаси). Жорий қилинган натижалар герпесвирус инфекцияси билан ассоциацияланган микоплазма зотилжамини ташхислаш ва даволашнинг янги услубларини қўллаш орқали касаллик билан оғриган болаларни стационарда даволаниш даврини 2 кунга камайтиришга ва ремиссия муддатини 2,4 марта узайтиришга имкон яратади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 4 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 58 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 24 та мақола, жумладан, 18 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Болалардаги бронх-ўпка патологиясида герпесвирус инфекцияси билан ассоциацияланган микоплазма зотилжами ҳақидаги замонавий қарашлар»** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Маҳаллий ва хорижий адабиётлар маълумотлари герпесвирус инфекцияси билан ассоциацияланган микоплазма зотилжами муаммолари замонавий ҳолатига кўра таҳлил қилинган. Мембрана жараёнлари ҳолати, азот оксиди, ташхислашнинг иммун статуси ва муаммолари, герпесвирус инфекцияси билан ассоциацияланган микоплазма зотилжами билан оғриган беморларни даволашга дифференциал ёндашиш ҳақидаги маълумотлар акс эттирилган.

Диссертациянинг **«Болаларда герпесвирус инфекцияси билан ассоциацияланган микоплазма зотилжами клиник тавсифи ва тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида 2009-2015 йиллар мобайнида текширилган болаларнинг умумий тавсифи келтирилган ва тадқиқотнинг махсус усуллари тасвирланган. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ, 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган микоплазмали зотилжам (МЗ), герпесвирусли инфекция (ГВИ) билан ассоциацияланган 205 та бемор болаларда чуқурлаштирилган текширув ўтказилди, улардан 64 нафарда оддий герпесвируси билан ассоциацияланган (ВПГ-1) МЗ аниқланди, 67 тасида цитомегаловирус инфекцияси (ЦМВ) билан ассоциацияланган МЗ, 74 та болада герпесвирусли инфекция билан ассоциацияланган (ВПГ-1 ва ЦМВ) МЗ аниқланди. Таққослаш гуруҳига 40 нафар МЗли ГВИсиз бемор болалар бириктирилди.

ГВИ билан ассоциацияланган МЗ ташхиси, шикоятлар, анамнез маълумотлари, клиник, рентгенологик, лабораториявий, микробиологик ва иммунологик тадқиқотлар асосида белгиланди. Ташхис нафас олиш органлари касалликлари бўйича XVIII Миллий Конгресснинг махсус кенгашида маъқулланган (2009) болаларда бронх-ўпка касалликларининг асосий клиник шакллари таснифига кўра олиб борилган.

Серологик тадқиқот: ИФА ва ПЗР (ЎзРССВ РИПИАТМ) услублари билан инфекция мавжудлигида ўзига хос ташхислаш билан олиб борилди. ИФА ўзига хос вирусга қарши антитаначаларни аниқлашда (анти - IgM ва IgG) «Вектор» фирмаси (Новосибирск) тест-тизими иммунферментлари ёрдамида аниқланди: «Микоплазма Бест – IgM, IgG - стрип» тўплами

микоплазмали, герпесвирусли антиген оксилларни тозалашда асосий реагент ҳисобланади. *Mycoplasma pneumoniae* ва герпесвируслар юкумлилиги верификацияси мақсадида ДНК кўзғатувчини тасдиқлаш учун полимераз занжир реакцияси (ПЗР) усулидан фойдаланилди. Тадқиқотлар ЗАО «Илмий ишлаб чиқарувчи фирма ДНК-Технология», Москва, ОК-ПО 46482062 реагент тўплам ёрдамида олиб борилди.

Биокимёвий тадқиқот: Л. И. Андреев ҳаммуаллифлар билан, (1989) услуби бўйича малон диалдегидни (МДА) аниқлаш; В. Г. Мхитарян ва Г. Е. Бадалян, (1978) услуби бўйича организмнинг антиоксидант тизими (АОТ) функционал ҳолати тавсифи учун супероксидисмутаза (СОД) фаоллиги аниқланди ва каталаза (К) – М.А. Коралюк ва ҳаммуаллифлар, (1988) услуби бўйича аниқланди.

Азот оксиди тизимини ўрганиш: NO фаоллиги нитрат ва нитрит (NO₂ ва NO₃) метаболитлар қийматига кўра П. П. Голиков ва ҳаммуаллифлар, (2000) томонидан тасвирланган усул бўйича аниқланди.

Иммунологик тадқиқот: периферик қонда CD3⁺, CD4⁺, CD8⁺, CD16⁺, CD20⁺, CD25⁺ ва CD95⁺ - лимфоцитлар кўрсаткичлари ООО «Сорбент» Россия маҳсулоти, Ф.Ю. Гариб ва ҳаммуаллифлар, (1995) усули бўйича моноклонал антитаначалар LT серияси ёрдамида аниқланди; иммун бошқарув индекси – CD4⁺/CD8⁺ га нисбатан аниқланди; нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллиги (ФАН) Р. В. Петров (1988) усули бўйича аниқланди; IgG, IgA, IgM миқдорлари – G. Manchini et. al. (1965) бўйича аниқланди. TNF α , IL-1 β , IL-4, IL-8, IFN- γ цитокинлар концентрацияси ИФА (1999) усули бўйича аниқланди (ЎЗР АН Иммунология институти).

Аниқланган ўзгаришларни тузатиш мақсадида ГВИ билан ассоциацияланган МЗ бемор болаларни даволашнинг дифференциал усуллари ишлаб чиқилди ва тавсия қилинди. Шунга кўра қуйидаги гуруҳлар шакллантирилди:

I гуруҳ (назорат) – 60 та бемор (20 та бемор ВПГ-1 ли МЗ, 20та - ЦМВ ли МЗ, 20 та - ВПГ-1 ва ЦМВ ли МЗ), улар умумқабул қилинган анъанавий макролидлар, вирусга қарши, симптоматик даволаш ва физиоуолажани ўз ичига олувчи асосий терапия қабул қилишди;

II гуруҳ – 91 та бемор (44та - ВПГ-1 ли МЗ ва 47 та - ЦМВ ли МЗ), улар асосий терапия фонида глицирон (1/2 таблеткадан кунига 3 маҳал 1 ой мобайнида) қабул қилишди;

III гуруҳ – 54 та ВПГ-1 ва ЦМВ ли МЗ беморлар, улар асосий терапия фонида глицирон (1/2 таблеткадан кунига 3 маҳал бир ой давомида) + анаферон (1 таблеткадан кунига бир маҳал 3 ой давомида) қабул қилишди.

Олинган натижалар статистик таҳлили вариацион статистика усули ёрдамида таҳлил қилинди. Ўртача фарқлар ишончилиги Стьюдент (t) мезони асосида тарқалиш нормаллиги ва асосий дисперсия тенглигини (F – Фишер мезони) текширишда хатолар эҳтимолини (P) ҳисобга олиб баҳоланди. Корреляцион таҳлил Спирмен (Rs) ва Пирсон (r) услубларидан фойдаланиб олиб борилди.

Диссертациянинг «Герпесвирус инфекцияси билан ассоциацияланган микоплазма зотилжамининг клиник-ташхисий жиҳатлари» деб номланган учинчи бобида ГВИ билан ассоциацияланган МЗ бўлган илк ёшли болаларда клиник, биокимёвий ва иммунологик тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Стационар даволанишга келган барча гуруҳдаги беморларда интоксикация ва учук тошиши, иситмали қалтираш синдромлари кузатилган. 38,0% болаларда узок вақт субфебрил иситма кузатилди. 62,0% текширилаётган беморларда иситма фебрил кўрсаткичларгача кўтарилган. ЦМВли МЗ ва ВПГ-1 ва ЦМВли МЗ кўпчилик беморларда –71,1% да ва –77,4% ида ГВИ сиз МЗ беморлар билан таққослаганда 2,4-2,6 марта кўпроқ фебрил ҳарорат кузатилган. ГВИсиз МЗ бўлган болалар учун субфебрил температура 70,0% ида қайд этилган. Интоксикация барча болаларда кузатилган ва 50,2% беморда аниқ ва 51,8% болаларда ҳолсизлик билан кузатилган. Иштаҳанинг пасайиши ВПГ-1 ва ЦМВ ли МЗ беморларда аниқланган ва 65,8% ҳолатни ташкил этади. Тез-тез, асосан нопродуктив, куруқ, хуружли йўтал бир хил частотада 82,1% ва 82,4% ЦМВ ли МЗ ва ВПГ-1 ва ЦМВ ли МЗ беморларда аниқланди. Бурун-лаб цианоз учбурчаги 59,6% беморларда кузатилди, қолган болаларда цианоз йиғлаганда, безовталанганда юзага келди. Ўпкадаги перкутор ўзгаришлар ўртача 76,7% беморларда ўпка товуш қисқариши кўринишида локал хусусият касб этади, 23,3% беморларда эса қутичали аломатлар аниқланди. Аускултацияда, асосан, 85,3% болаларда нафас олишнинг заифлашуви, 14,7% болаларда эса қаттиқ нафас аниқланди. Турли калиберли нам хириллашлар 87,3% беморларда, куруқ хириллашлар 12,6% беморларда эшитилди. Куруқ хириллашлар ЦМВ ли МЗ ва ВПГ-1 ва ЦМВ ли МЗ бўлган болаларга нисбатан кўпроқ ГВИсиз МЗ болаларда кузатилди. Тери тошмаси асосан ВПГ-1 ли МЗ бўлган болаларда 12,5% ида, ЦМВ ли МЗ болаларнинг 17,9% ида ва ВПГ-1 ва ЦМВ ли МЗ болаларда 18,9% ҳолатларда нисбатан аниқланган. Гиперемия ўртача 58,4% болаларда кузатилди. Лимфа тугунларининг чўзилиши 62,0% болаларда аниқланди. Ушбу кўрсаткич ГВИсиз МЗ болалар гуруҳида ЦМВ ли МЗ, ВПГ-1 ва ЦМВ ли МЗ гуруҳидагилар билан таққослаганда 1,5 ва 1,8 марта камроқ кузатилди. Рентгенологик тадқиқотлар ўпка тасвири тарқалишининг кучайиши ВПГ-1 ва ЦМВли МЗ болаларга хос бўлишини кўрсатди. Суратларда енгил яллиғланиш ўчоғи тарқалишини акс эттирувчи хира соялар аниқланди, шунингдек, бирламчи ёки кўплаб хиралашган ўчоқлар, нотўғри шакл ёки диффузиявий интерстициал инфилтрат ҳам аниқланди. Оғир ҳолатларда билатерал интерстициал хираланиш кўринди. Аниқ ва тез-тез ўзгариш ҳамда оғирлашиш қўш-инфекцияда, айниқса, ВПГ-1 ва ЦМВ билан МЗ беморларда кузатилди.

ИФА услуби билан қон тадқиқоти натижалари ВПГ-1 ли МЗ бўлган беморларда махсус IgG антитаначалар мавжудлигини шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамда IgG антитаначалар миқдори нормал кўрсаткичлар билан таққослаганда, *Herpes simplex* – 3,5 мартага нисбатан *Mycoplasma pneumoniae* –3,6 марта кўпайишини кўрсатди. ЦМВ ли МЗ беморларда махсус IgG антитаначаларини ўрганиш *Cytomegalovirus* ли IgG антитаначалар миқдори нормал кўрсаткичларга қараганда 3,7 марта, *Mycoplasma pneumoniae*

ли IgG эса – 4,0 марта ошганлигини кўрсатди. Шифохонага боғлиқ бўлмаган зотилжамли беморларда махсус IgG ВПГ-1 ва ЦМВ ли МЗ (кўш-инфекция) мавжудлиги аниқланди. IgG антитанача миқдори *Herpes simplex* – 3,3 мартага нисбатан ва *Cytomegalovirus* – 2,6 мартага нисбатан *Mycoplasma pneumoniae* – 3,4 марта нормал кўрсаткичлар билан таққослаганда ошгани аниқланди, бу эса вирусли инфекциянинг сурункали давом этишини тасдиқлайди. 102 болада касал юктириш ПЗР қонда мусбат натижалар билан тасдиқланди. ВПГ-1 ли МЗда ДНК детекцияси 19,6% ҳолатларда мусбат натижа кўрсатди, ЦМВ ли МЗ гени 15,6%, ВПГ-1 ва ЦМВ ли МЗ (кўш-инфекция кўринишида) мусбат натижалар аниқланди. Бу ГВИ билан ассоциацияланган болаларни ҳар томонлама ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

ВПГ-1 ли МЗда азот оксиди таркибини ўрганиш натижасида даволашга қадар ГВИсиз МЗ кўрсаткичлари билан таққослаганда $\text{NO}_2(\text{NO}_3)$ таркиби сезиларли ошгани аниқланди ($P < 0,05$) ва бу кўрсаткич мутлақ соғлом болалар кўрсаткичлари билан қиёслаганда 1,3 марта ошгани аниқланди. ЦМВ ли МЗ беморларда - 1,5 марта ($P < 0,01$) юқори ва ВПГ-1 ва ЦМВ ли МЗ беморларда соғлом болалар билан таққослаганда 1,6 мартага ошган ($P < 0,001$), яъни ЦМВ инфекциясида, айниқса ВПГ-1 билан бирга, азот оксиди ишлаб чиқариши сезиларли ошади.

ГВИ билан ассоциацияланган МЗ ривожланиш патогенезини ўрганиш мақсадида қиёсий гуруҳлардаги болалар қонидаги прооксидант ва антиоксидант тизим кўрсаткичлари тадқиқ қилинди. ГВИ билан ассоциацияланган МЗ беморлар қонида МДА миқдорини ўрганиш натижалари даволашга қадар ВПГ-1 ли МЗ беморлар гуруҳида МДА миқдори ГВИ сиз МЗ болалар кўрсаткичларига нисбатан қиёслаганда юқори эканлигини кўрсатди ($P < 0,05$) ва ушбу кўрсаткич мутлақ соғлом болаларга нисбатан 2,1 марта юқори бўлган. ЦМВ ли МЗ беморларда бу ошиш 2,4 марта бўлган. Барча 3 та инфекция кўшилганда беморларда ГВИсиз МЗ болалар билан қиёслаганда МДАнинг анча сезиларли ошиши аниқланди ($P < 0,001$), ушбу кўрсаткич мутлақ соғлом болаларга нисбатан 2,9 марта ўсди. Шунга кўра, ажралиб турган гиперлипипероксидация ГВИ ли МЗ беморларда кузатилди ва бошқа гуруҳларга қараганда кўрсаткичлар нисбатан 1,4 ($P < 0,01$) ва 1,2 ($P < 0,01$) марта ошган. ГВИ кўринишли МЗ асосий фармакотерапияси даволашдан кейин болалардаги МДАнинг дастлабки юқори миқдори даволашга қадар таққослаганда айрим пасайишга мос келди ($P > 0,05$). МДА таркиби ҳали ҳам норматив кўрсаткичларни 2,8 мартага оширди.

ВПГ-1 ли МЗ беморларда даволашга қадар СОД ва К миқдори ГВИсиз МЗ болалар билан таққослаганда пасайгани аниқланди ($P < 0,05$) ва ушбу кўрсаткич мутлақ соғлом болаларга нисбатан 1,4 ва 0,8 мартага пасайган. Барча 3 та инфекция кўшилганда СОД ва К ГВИ сиз МЗ болалар билан таққослаганда сезиларли пасайиши кузатилди ($P < 0,001$), ушбу кўрсаткич мутлақ соғлом болаларга нисбатан 2,5 ва 2,1 марта паст кўрсаткичда. ГВИли МЗда асосий фармакотерапия даволашгача бўлган болаларга нисбатан СОД ва К паст фаоллашувининг айрим ошишларига мос келади ($P > 0,05$).

ГВИли МЗ беморларда хужайравий иммунитет томонидан даволашга қадар CD3⁺, CD4⁺-лимфоцитлар, ФАН нисбатан ва мутлақ миқдорининг соғлом болалардаги кўрсаткичларга қараганда пасайиши аниқланди (P<0,01) ва бу кўрсаткич ГВИ сиз МЗ болаларга нисбатан 1,1 марта паст бўлган. CD8⁺, CD16⁺-лимфоцитларнинг соғлом болалар маълумотлари билан таққослаганда нисбий ва абсолют миқдори ошгани аниқланди (P<0,01) ва бу кўрсаткич ГВИсиз МЗ болалар билан таққослаганда 1,1-1,2 мартага ошди. Шунга кўра, кўш-инфекцияли беморларда лимфоцитлар миқдори даражаси пасайиши МЗ болаларга қараганда сезиларли юқори бўлган.


ЦМВли МЗ, ВПГ-1 ва ЦМВ инфекцияли МЗ гуруҳлардаги болалар гуруҳида CD4⁺- лимфоцитлар (P<0,001), CD4/CD8 иммунрегулятор индексининг ГВИсиз МЗ беморлар гуруҳига қараганда чуқур пасайиши аниқланди, бу CD8⁺ хужайра миқдори CD4⁺ ва ФАН билан таққослаганда сезиларли ўсиши билан боғлиқ (P<0,001) ва ушбу кўрсаткич ГВИ сиз МЗ болалар билан таққослаганда 1,2 марта паст бўлган. CD16⁺ - лимфоцитларнинг нисбий ва абсолют миқдори ошгани аниқланди (P<0,001), CD8⁺- лимфоцити ГВИсиз МЗ гуруҳдагиларга нисбатан 1,5 марта ошган кўрсаткичда бўлган. Кўш-инфекцияли беморларда НК- хужайралар таркиби ГВИсиз МЗ га нисбатан 1,1-1,3-1,5 марта юқори ва CD20⁺-лимфоцитнинг нисбий ва абсолют миқдори мутлақ соғлом болалар билан таққосланганда ошган (P<0,001), ГВИсиз МЗ гуруҳидагиларга нисбатан ушбу кўрсаткичлар 1,3 ва 1,4 мартага ошган.

ВПГ-1ли МЗ беморларда фаоллашган маркер ва апоптоз билан лимфоцитлар миқдорини ўрганиш натижалари (P<0,01) CD25⁺ иммунфенотипнинг нисбий ва абсолют миқдорини соғлом болалар билан таққослаганда пасайгани аниқланди ва ГВИсиз МЗ гуруҳдагиларга нисбатан ушбу кўрсаткич 1,3 мартага пасайган. Кўш-инфекцияли беморларда CD25⁺-лимфоцитларнинг нисбий ва абсолют миқдори соғлом болалар билан таққослаганда сезиларли пасайиши аниқланди (P<0,001), ГВИсиз МЗ гуруҳдагиларга нисбатан ушбу кўрсаткичлар 1,6 ва 1,9 мартага пасайган. ЦМВли МЗ, ВПГ-1 ли МЗ ва ЦМВ бўлган беморларда CD95⁺- лимфоцитнинг нисбий ва абсолют миқдори мутлақ соғлом болалар билан таққослаганда сезиларли ошгани аниқланди (P<0,001), ГВИсиз МЗ гуруҳдагиларга нисбатан ушбу кўрсаткичлар 1,2 ва 1,3 мартага пасайган. Улар миқдорининг энг кўп ошиши ВПГ-1 ва ЦМВли МЗ беморлар гуруҳида аниқланган.

Даволашгача цитокинлар миқдорини ўрганиш (1-расм), ВПГ-1 ли МЗда IL-1β миқдори қон зардобидида назорат гуруҳига қараганда 3,7 мартага ошганлигини кўрсатди.

Кўш-инфекцияларда эса IL-1β миқдори соғлом болалар кўрсаткичларига қараганда янада ошган (P<0,001). Қиёсий таҳлилни кўрсатишича, ЦМВ инфекциясининг кўшилиши IL-1β миқдорини 1,8 мартага оширган, ВПГ-1 ва ЦМВ ли МЗда эса ГВИ сиз МЗ болаларга қараганда 2,1 марта ошган (P<0,001). IL-4 миқдори ГВИсиз МЗ бўлган болаларда назорат кўрсаткичига қараганда 1,6 марта, ВПГ-1 ли МЗ да 2,3 марта, ЦМВ ли МЗда 3,1 марта ва ВПГ-1 ва ЦМВ ли МЗ да 3,9 марта юқори бўлган. ГВИсиз МЗ бошқа гуруҳдагилар билан

таққосланганда цитокин статусининг мавжуд фарқлари аниқланди ва сезиларли ўзгариш кўпроқ ВПГ-1 ва ЦМВ ли МЗ беморларда кузатилди.




1-расм. ГВИ билан ассоциацияланган МЗ беморларда цитокинлар миқдори

ЦМВ ли МЗ, ВПГ-1 ва ЦМВ ли МЗ беморларда IL-4 миқдори мутлақ соғлом болалар маълумотлари билан таққослаганда яна юқори бўлган ($P < 0,001$). Қиёсий таҳлил кўрсатишича, ЦМВнинг кўшилиши IL-4 миқдорини 1,9 мартага, ВПГ-1 ва ЦМВ ли МЗда ГВИсиз МЗ болаларга қараганда 2,5 мартага оширади ($P < 0,01$ - $< 0,001$). МЗда IL-8 миқдори назорат гуруҳи кўрсаткичига нисбатан 2,3 марта юқори ($P < 0,01$). ВПГ-1 кўшилишида IL-8 миқдори 3,5 мартага кўпайди, ЦМВ билан ассоциацияланганда - 4,5 марта ва кўш-инфекцияда – 5,4 марта назорат гуруҳидагилар билан таққослаганда кўпайган ($P < 0,01$ - $< 0,001$). Шунингдек, IL-8 миқдори ВПГ-1 ли МЗ беморларда, ЦМВ ли МЗ, ВПГ-1 ва ЦМВ ли МЗ беморларда ГВИсиз МЗ билан таққослаганда сезиларли ошгани аниқланди ($P < 0,05$ дан $< 0,001$ гача). ИЛ-8ни ортикча синтезлаш иммун тизими регулятор функцияси бузилишини кўрсатди.

ГВИ билан ассоциацияланган МЗ беморларда даволашга қадар IFN γ миқдорини ўрганиш унинг таркибида чуқур танқисликни аниқлади (2-расм). Демак, зардобли IFN γ миқдори ВПГ-1 ли МЗ да ($P < 0,01$), кўш-инфекцияли МЗда –1,2-1,5-1,9-2,4 марта соғлом болаларга нисбатан паст кўрсаткичда ($P < 0,001$). Шунингдек, IFN γ миқдорининг микст инфекцияли МЗ беморларда ГВИсиз МЗ билан таққослаганда сезиларли пасайиши кузатилди ($P < 0,05$ - $< 0,001$).

ВПГ-1 ли МЗ беморларда даволашга қадар TNF α таркиби таҳлили мутлақ соғлом болалар маълумотлари билан таққослаганда унинг ошганини ($P < 0,01$) ва қиёсий гуруҳга нисбатан кўрсаткич 1,4 мартага кўпроқ бўлганини ($P < 0,05$) кўрсатди. ЦМВ ли МЗ, ВПГ-1 ва ЦМВ ли МЗ кўшилишида TNF α миқдори мутлақ соғлом болалар маълумотлари билан таққослаганда янада юқорилиги аниқланди ($P < 0,001$).



2-расм. ГВИ билан ассоциацияланган МЗ беморларда IFN γ миқдори, ($M \pm m$)

Шундай қилиб, болаларда герпесвирус инфекцияси билан ассоциацияланган микоплазма зотилжамини клиник кўринишларини комплексли ўзгаришлари, азот оксидининг сезиларли ошиши, липидларни перекисли оксидланиш фаоллигини антиоксидантлар таркибида давомий пасайиши фонида ортиши билан ифодаланади. Иммуно статусда ўзгаришлар аниқланиб, яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинлар ишлаб чиқарилишининг бузилиши билан намоён бўлади. Патологик жараёнлар патогенезининг мураккаблиги, амалга ошириладиган механизмларнинг хилма-хиллиги ва ўрганилаётган клиник, биокимёвий ва иммунологик маълумотларнинг чуқурлиги болалардаги герпесвирус инфекцияси билан ассоциацияланган микоплазма зотилжамида даволашга вирусга қарши ва иммункоррегратор дори воситаларини киритиш зарурлигини кўрсатади.

Диссертациянинг «**Герпесвирус инфекцияси билан ассоциацияланган микоплазма зотилжами бўлган беморларни даволаш усуллари самарадорлигини баҳолаш**» деб номланган тўртинчи бобда ГВИ билан ассоциацияланган МЗ беморлар клиник-лабораториявий кўрсаткичларига дифференциал даволаш таъсири таҳлил қилинган. Натижаларни қиёсий таҳлил қилиш, асосан, анъанавий даволаш таркибидаги глициронни ўз ичига олувчи комплекс даволашни акс эттирди (II гуруҳ).

ВГВ-1 ли МЗ II гуруҳ болаларини биокимёвий ўрганиш натижаларида азот оксиди миқдори $11,29 \pm 0,35$ мкмоль/лгача ишонарли пасайган. II гуруҳ болалар қон зардобида липидларни перекисли оксидланиши (ЛПО) текширилганда МДА миқдорининг I-гуруҳ маълумотлари билан таққослаганда сезиларли пасайганини кўрсатди ($P < 0,05$). Даволашдан сўнг МДА миқдори мутлақ соғлом болалар кўрсаткичларига нисбатан 1,6 марта юқори бўлиб қолаверди, I-гуруҳ болалари кўрсаткичлари билан таққослаганда эса 1,2 марта пастроқ бўлган. Болалардаги ВПГ-1 ли МЗда СОД ва каталазалар миқдори динамикаси I гуруҳдаги кўрсаткичлар билан таққослаганда сезиларли ошганини кўрсатди ($P < 0,05$).

II гуруҳдаги болаларда комплекс терапия таъсирида $CD3^+$ ва $CD4^+$ - лимфоцитлар нисбий миқдори таркиби I гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаганда сезиларли ошгани аниқланди ($P < 0,05$). $CD3^+$ ва $CD4^+$ - лимфоцитларнинг абсолют миқдори даражаси I гуруҳ маълумотлари билан таққосланганда 1,1 мартага ошган ($P < 0,05$). $CD8^+$ -, $CD16^+$ -, $CD20^+$ -лимфоцитларнинг нисбий миқдори пасайгани I гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаганда аниқланди ($P < 0,05$). II гуруҳ болалар ИРИси I-гуруҳдан фарқли равишда нормал кўрсаткичларга яқинлашди ($P < 0,01$) ва даволашдан кейин I-гуруҳ кўрсаткичлари билан таққосланганда кўпайгани аниқланди ($P < 0,05$). I гуруҳ кўрсаткичлари билан таққосланганда IgG, IgA миқдорининг ошиши ва IgM миқдорининг пасайиши аниқланди ($P < 0,05$). II гуруҳдаги болаларда $CD95^+$ - лимфоцит миқдори I гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаганда сезиларли пасайди ($P < 0,05$). $CD95^+$ - лимфоцитнинг абсолют миқдори даражаси I гуруҳ маълумотлари билан таққосланганда 1,2 мартага пасайган ($P < 0,05$). $CD25^+$ - лимфоцитнинг абсолют миқдори даражаси I гуруҳ маълумотлари

билан таққослаганда 1,2 мартага ошган, мутлақ соғлом болалар билан таққослаганда эса 1,3 марта камроқ. II гуруҳ болаларидаги цитокин статуси таҳлили ИЛ-1 миқдори I гуруҳ маълумотлари билан таққослаганда 1,2 мартага пасайган ($P < 0,05$) ва мутлақ соғлом болалар билан таққослаганда 2,8 марта кўпроқ бўлган. IL-4 ва IL-8 таркиби I гуруҳ кўрсаткичлари билан таққосланганда сезиларли пасайди ($P < 0,05$), I гуруҳ маълумотлари билан таққослаганда 1,2 марта пастроқ ва мутлақ соғлом болаларга нисбатан 1,7 ва 2,6 марта кўпроқ бўлган. TNF α миқдори I гуруҳ маълумотлари билан таққослаганда 1,2 марта пасайди ($P < 0,05$). II гуруҳ болаларида глициронни ўз ичига олган комплекс даволаш таъсирида IFN γ I гуруҳ маълумотлари билан таққослаганда 1,2 мартага ошгани аниқланди ($P < 0,05$).

ЦМВ ли МЗ II гуруҳ беморларда дифференциал даволаш таъсирида азот оксиди миқдори I-гуруҳ маълумотлари билан таққослаганда $12,64 \pm 0,46$ мкмоль/л гача пасайган ($13,96 \pm 0,44$ мкмоль/л, $P < 0,05$). Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, II гуруҳ болаларида азот оксиди миқдори I-гуруҳ маълумотлари билан таққослаганда $12,64 \pm 0,46$ мкмоль/л гача пасайган ($13,96 \pm 0,44$ мкмоль/л, $P < 0,05$). Даволашдан кейин МДА миқдори мутлақ соғлом болалар кўрсаткичларидан фарқ қилди ва 1,7 марта юқори бўлган. II гуруҳ болаларидаги СОД ва каталазалар миқдори динамикаси таҳлили I гуруҳ кўрсаткичлари билан таққосланганда сезиларли ошганини кўрсатди ($P < 0,05$). ЦМВ ли МЗ беморлар иммун статуси кўрсаткичларига дифференциал даволаш таъсирини таҳлиллаш қўйидаги параметрларда ижобий натижани кўрсатди: CD3 $^{+}$ - ва CD4 $^{+}$ - лимфоцитларнинг мутлақ миқдорининг нисбатан ошиши аниқланди, CD8 $^{-}$, CD16 $^{+}$ - ва CD20 $^{+}$ - лимфоцитларнинг I гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаганда пасайиши аниқланди ($P < 0,05$). Глицирон қабул қилган беморлар гуруҳида ИРИ норматив кўрсаткичларга яқинлашган ($P < 0,01$). II гуруҳдаги болаларда комплекс даволаш ўтказилганидан сўнг ФАН I гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаганда кўпайган ($P < 0,05$). Иммунглобулин динамикасини ўрганишда IgG, IgA миқдори сезиларли ошгани ва IgM миқдори I гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаганда пасайгани аниқланди. CD95 $^{+}$ - лимфоцит миқдори динамикаси таҳлили I гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаганда сезиларли пасайгани аниқланди ($P < 0,05$). II гуруҳдаги ЦМВ ли МП беморларда CD25 $^{+}$ - лимфоцит таркиби I-гуруҳ кўрсаткичлари билан таққосланганда сезиларли ошган ($P < 0,05$). ЦМВ ли МЗ беморлар цитокин статуси кўрсаткичларига комплекс даволаш таъсирини таҳлиллаш қўйидаги параметрларда ижобий самарани аниқлади. II гуруҳда ИЛ-1 β миқдори I гуруҳ маълумотлари билан таққослаганда 1,2 марта пасайган ($P < 0,05$) ва мутлақ соғлом болалар билан таққослаганда 3,4 марта кўп. IL-4 миқдори комплекс даволаш натижасида I-гуруҳдагилар билан таққослаганда сезиларли пасайгани кузатилди ($P < 0,05$). IL-4 миқдори I гуруҳ маълумотлари билан таққосланганда 1,3 мартага камайган ва мутлақ соғлом болалар билан таққослаганда 2,1 марта кўп. II гуруҳдаги ЦМВ билан МЗ беморларда IL-8 миқдори I гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаганда сезиларли пасайган ($P < 0,05$). IL-8 миқдори I гуруҳ

маълумотлари билан таққослаганда 1,2 марта пасайган ва мутлақ соғлом болаларга нисбатан 3,3 марта кўп. Глицирон олган болалар гуруҳида TNF α миқдори динамикаси I гуруҳ маълумотлари билан таққослаганда сезиларли пасайгани аниқланди ($P < 0,05$).


ВПП-1 ва ЦМВ ли МЗ (III гуруҳ) беморлардаги дифференциал даволаш таъсирида биокимёвий кўрсаткичлар таҳлили қуйидаги параметрларда ижобий натижаларни аниқлади. Азот оксиди миқдорининг I гуруҳ маълумотлари билан таққослаганда сезиларли пасайиши аниқланди ($P < 0,01$). МДА миқдори даражаси таққосланганда қуйидаги ўзига хосликлар аниқланди: III гуруҳдаги болаларда МДА миқдори I гуруҳ маълумотлари билан таққосланганда сезиларли пасайиш аниқланди ($P < 0,01$). Дифференциал даволашдан кейин МДА миқдори 2,2 марта юқори ва асосий даволанган болалар кўрсаткичлари билан таққослаганда 1,3 марта паст. III гуруҳдаги СОД ва каталаза миқдори динамикаси таҳлили I гуруҳ кўрсаткичлари билан таққосланганда сезиларли ошгани аниқланди ($P < 0,01$).

